

## ЎЗБЕК МУМТОЗ МУСИҚАСИ УСУЛЛАР ТИЗИМИ ВА МАҚОМЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

*Холмирзаева Феруза Мамараим қизи*

*Термиз давлат педагогика институти*

*Мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Маколада ўзбек мумтоз мусиқаси усуллар тизими, усулларнинг мақомлардаги ўрни ва аҳамияти, хусусан Фарғона ҳамда Тошкент маком йуллари ҳакида сўз юритилади. Усуллар формулалари якка ва туркумийлик кесимида тизимлаштирилиб алоҳида хусусиятларига эътибор қаратилган. Ушбу илмий мақолада XVIII асрда Дайа Рам Качру Хушдил томонидан яратилган Кашмир водийси анъанавий мусикасига багишланган рисола ҳакида атрофлича маълумот бериб утилади ҳамда мусиқий атамалар, ривоятлар ва ўтмишдаги баъзи мусиқий рисолалар билан умумий жиҳатлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Мусиқа, тарих, усул, Фарғона, Тошкент, туркум, формула, Шашмақом, тизим, маком, рага, Кавкабий, замиме, буржлар, парда.

### Асосий қисм.

Ўзбек мусиқашунослигига манбаашунослик серқирра, машақкатли соҳалардан бири ҳисобланади. Мусиқий манбаашунослик эса бу йуналишдаги энг қизиқарли ҳамда маъсулиятли тармоқлардан биридир. Бу соҳада фаолият юритган манбаашунослар В.Семенов, И.Ражабов, Д.Рашидова, З.Орипов, А.Назаров каби мусиқашунос олимларнинг изланишлари туфайли аждодларимиз томонидан яратиган мусиқа илмига оид рисолалар билан танишиб, ўрта асрлардаги мусиқий қарашлар, маданий хаёт ҳакида кенг тасаввурларга эга бўламиз. Бизнинг ушбу мақоламиз хам устозлар илмий изланишларининг давоми сифатида тадқиқ этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Фарғона-Тошкент мақом йулларининг ўзига хос туркумланиш хусусиятлари Гулёр-Шахноз, Баёт, Чоргоҳ, Дугоҳи-Хусайниний каби туркумларда яққол намоён булади. Шу сабабли асосий эътиборимизни мазкур асарларнинг усуллар тизимига қаратамиз ва бунда И.Ражабов ва О.Иброҳимовларнинг тадқиқотларига таяниб, уларни қисқача тавсифлаб ўтамиз.



Шашмақомдан фарқли ўларок Фарғона-Тошкент мақом ашула йўллари чолгу йўллари билан яхлит бир туркум тарзида келмайди. Улар асосан 5 қисмли туркум сифатида уюшган бўлиб, уларнинг хар бири тартиб рақамлар билан (масалан, Баёт 1-2-3-4-5, Чоргоҳ 1-2-3-4-5- каби) белгиланади, яъни туркум қисмлари сонлари воситада бир-биридан ажратилади. Шу билан биргаликда айрим холларда қисмларнинг махсус номлари хам учрайди. Мисол тариқасида Мискин чолгу туркумнинг 3 қисми "Адоий", 4-қисми "Асирий" Насруллоийнинг 2-қисми "Чапандоз" 3 қисми "Қашкарча", 4-қисми "Тарона", 5-қисми "Уфар", Гулёр-Шахноздаги қисмлар. 1. Гулёр 2. Шахноз 3. Чапандози Гулёр 4. Ушшок 5. Қашкарчаи Ушшоқ каби номлар аталишини келтириб ўтамиз.



Баъзиларининг номланиши Шашмақомдаги каби усуллар номи билан боғлик эканлигини қўришимиз мумкин. Куйида Фарғона-Тошкент мақом йўлларининг айримларини усуллар тизимиға назар ташлашга харакат қиласиз: Чоргоҳ - туркуми улуғвор йўллардан бўлиб, мутахассислар унинг парда-оханг асоси Сарахбори Дугоҳга уйғун эканлигини кайд этадилар. Чоргоҳнинг таркибий қисмлари куй мавзуи жиҳатидан бир-бирининг ритмик варианatlари бўлиб келади. Бунда қимсдан-қисмга қараб доира усуллари ўзгариб (мураккаблашиб) бориши кузатилади. Дугоҳи Хусайнининг шохобчалари ишланиш тартиби нуқтаи назаридан Баёт ва Чоргоҳ йўлларига ўхшайди. Дугоҳ Хусайн I - Сарахбор усулида, унинг иккинчиси Савт (бузилған), кейинги шохобчалари Қашкарча доира усулида ижро этилади. Дугоҳ Хусайнининг Уфари бўлса, Наво мақомининг Уфари Баётига ва унинг Тошкент, Фарғона вариантидаги IV-V Баёт йўлларига ўхшайди. Дугоҳ Хусайнининг хамма шохобчалари халкнинг энг севимли ашула йулларидандир.

Баёт номи наво макомининг шуъбалари тарзида келиб, Талқини Баёт, Насри Баёт, Уфари Баёт каби аталади. Тошкент, Фарғонада машхур бўлган Баёт, Шашмақомдаги Баёт шуъбаларининг маълум варианти сифатида юзага келган. Шу уринда мақом йўлларида ва уларнинг номланишида усулларнинг қанчалик ахамятли эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шундай қилиб, Баёти Шерозий туркуми Соқийнома қисми билан яқунланишини қўрамизки, бу хол Фарғона-Тошкент мақом анъаналаридан кўра кўпроқ Бухоро мақомлари (

Шашмақом 2-гурух шуъба туркумлари) га хосдир. Чунки Тошкент ва водий мақомчилик анъанасига кўра, туркумли ашула йўллари Қашқарча усули қисми билан нихоясига етиши барқарор эди. Баёти-Шерозийнинг ўзгача туркум кўриниши юзага келишида Ю. Ражабий Шашмаком Савт ва Мўғулча шуъбаларининг ўз шоҳобчалари ( Талкинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар ) билан алохида мустақил бўлган беш қисмли туркумларни ташкил қилишини хам инобатга олганлиги шубҳасизdir. Бунга билвосита далил сифатида Ю. Ражабийнинг Баёти-Шерозий туркумiga қўшимча қилиб ижод килган Уфар қисмини мисол келтириш мумкин. Бироқ бу қисм мусиқа амалиётида мустаҳкам жорий бўлмади ва шу кунга қадар Баёти-Шерозийни Соқийнома билан якунлаш холати деярли анъана бўлиб қолди. Зотан ушбу Соқийнома қисми унинг ижодкори бўлмиш Юнус Ражабий хаётлик давридаёқ "Республикамиз концерт коллективлари орасида машхур булиб" кетган эди.



Шашмақом усуллари хусусида фикр юритганда қайд этиш жоизки, Шашмақомнинг таркибидан ўрин олган барча шуъбаларнинг номланиши Ўтмишда машхур булган Сакил, Рамал, Хазаж, Ду-як, Уфар, Фохтий, Турк, Мухаммас, Авсат, Чорзарб, Зарбул-Футх, Дурафшон, Самойй, Чанбар, Миатайн каби ритм ўлчов баҳрлари ва доира-ногора усуллари бизнинг кунгача етиб келган. Бу усуллар мусиқа асарлари, хусусан мақом йўлларида учрайди. Улар қачон ва ким томонидан яратилгани бизга қоронги. Уларни содда ёки мураккаблигига қараб, олдин-кейин яратилганини билиб олиш мумкин.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, "Таронаи Суур<sup>1</sup>"- Шодлик тароналари рисоласи XVIII асрда Дайа Рам Каччу Хушдил томонидан яратилган. Хиндистондаги Кашмир водийси мусиқа маданиятининг тарихи ва назарий асослари соҳасида энг ишончли манбаалардан бири хисобланади.

Хушдил Кашимирлик брахман ва пандит бўлиб рисолани форс тилида ўз қўллари билан битган. Кўл меҳнати бўлган рисолада муаллиф материалнинг сифатига ахамият бериб мусиқий назарий асосларни икки қисмга бўлиб ўрганади.

## 1. Хинд мусиқаси назарий асослари.

<sup>1</sup> Шодлик тароналари рисоласи XVIII асрда Дайа Рам Каччу Хушдил томонидан яратилган

## 2. Форс мусиқаси.

Таронаи Сууруга қўшимча тарзда икки рисола илова қилиб қўшилган. Рисола 1962-йил Сринагар шаҳрида илк бор нашр қилинган. Мазкур нашр илмий текшириш ва изохлардан мустасно тарзда берилган. Таронаи Суур бадиий тил билан ифодаланган рисолалар сирасига киради. Унда турли ривоят ва афсоналар, қисқа ва узун шеърий парчалар урин олган. Рисола олтмиш бетдан иборат бўлиб, ўз таркибида 2 та кичик рисолани илова сифатида келтирилган. Яъни, Таронаи Суур ҳамда Каромати Мажро ва Мажмуаи Таворих (илова)лар. Сунг "мусиқа" атамасининг келиб чикиши маълумотлар келтирилади. Мусиқа илми хакидаги қизиқарли маълумотлар хусусида шундай дейилади: "Мусиқа фани етукликда жуда зўр ва таълиф, таснифда машҳурдир. Бу илмнинг жамланишини Пифогурис хакимга нисбат берилар". Манбада ўрта асрлардаги 12 мақом хакидаги фикрлар турли-туман бўлиб, биринчи бобда ёзилишича, ҳазрат Мусо алайхиссалом "Хассангни тоққа ур" амрига кўра асовини тошга урганлар ва Мусо алайхиссалом асони тошга ургач 12 та чашмабулок оқа бошлабди ҳамда ҳар бир бир булоқ суви бир куй ва товуш билан қуилган.... Шу муносабат билан бу илмга "мусакей" яъни мусиқа деб ном қўйганлар. Бу нидо Мусо алайхиссаломга Тур тоғида эшитилган булиб, Мусо Оллоу таолога "Жамолингни кўрай" деганда, сен олдин бу тоққа бир қара", - дея хитоб келади. Яъни Аллоҳ таоло ўз нури партавидан бир учқунини тоққа йўналтирганида тог парча-парча бўлиб кетади. Шунинг учун Мусога аввал "лан тароний" хитоби келган эди. Аллоҳ таоло билан сўзлашгани учун уам Мусога калимуллоҳ деган сифат берилган. (Қуръон "Тур" сураси). "Раг ва Рагниларнинг тафсили" қисмида Хинд рага ва рагниларнинг тавсифи баён этилади. Энг қадимий рагалар 6 та рага келтирилиб, уларнинг ҳар бири 5 тадан рагнига эга. Ҳар бир рага эркак ва улардаги 5 тадан рагнилар ва ҳар бир бир булоқ суви бир куй ва товуш билан қуилган.... Шу муносабат билан бу илмга "музикий" деб ном қуиганлар<sup>2</sup>. (Бақара сураси 60 оят, ҳамда Оли Имрон 160 оятларда келтирилган. Қаранг! Қуръони Карим.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Жабборов.А. ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАРИ ВА МУСИКАШУНОСЛАРИ. Тошкент: "Янги аср авлоди", 2004 й.
2. HIROMI LAREANE SAKATA. ISLAM AND MUSIC. Music in the mind. \The Kent university press\ 1983., p 35-38
3. Qizi, K. M. E., & Ugli, C. S. N. (2022). THE HISTORY OF THE ORIGIN OF POP ART AND ITS PLACE IN UZBEK MUSIC. IJTIMOIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI, 67-71.

<sup>2</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаккирул-ахбоб (Дустлар ёдномаси). Тазкира. -Т.: Абдулла Кодирий номидаги ҳалк мероси нашриёти. 1993. 139 бет. (Ушбу ривоят мазкур рисолада ҳам баъзи матний фарқ ва тафовутлар билан келтирилган - М.Ж.).

4. Khojageldiyeva, M. E., & Sayfiddinova, S. A. (2022). THE HISTORY OF THE ORIGIN OF THE WORD DUTAR AND METHODS OF ITS PERFORMANCE. *Экономика и социум*, (4-2 (95)), 211-214.
5. Xo'jageldiyeva, M. Musiqa madaniyati fanining mazmuni hamda musiqaning bola tarbiyasida tutgan o'rni. *International Journal of Discourse on Innovation, Integration and Education*.
6. Ходжагельдыева, М. Э., & Машрабалиева, Б. М. (2022). ИСТОРИЯ ПРОИСХОЖДЕНИЯ СЛОВА "ДУТАР" И СПОСОБЫ ЕГО ИСПОЛНЕНИЯ. *Экономика и социум*, (6-2 (97)), 919-923.
7. Pardayevna, H. N. (2022). The role of club activities in the development of students' musical abilities in general education schools. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 10, 13-15.
8. Nasriddin o'g'li, C. S. (2022). THE EMERGENCE OF NATIONAL POP ART IN UZBEKISTAN. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 4, 563-566.
9. Nasriddin o'g'li, C. S. (2022). THE EMERGENCE OF NATIONAL POP ART IN UZBEKISTAN. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 4, 563-566.
10. Ходжагельдыева, М. Э., & Машрабалиева, Б. М. (2022). ИСТОРИЯ ПРОИСХОЖДЕНИЯ СЛОВА "ДУТАР" И СПОСОБЫ ЕГО ИСПОЛНЕНИЯ. *Экономика и социум*, (6-2 (97)), 919-923.
11. Pardayevna, H. N. (2022). The role of club activities in the development of students' musical abilities in general education schools. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 10, 13-15.
12. Nasriddin o'g'li, C. S. (2022). THE EMERGENCE OF NATIONAL POP ART IN UZBEKISTAN. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 4, 563-566.
- 13.Ходжагельдыева, М. Э., & Машрабалиева, Б. М. (2022). ИСТОРИЯ ПРОИСХОЖДЕНИЯ СЛОВА "ДУТАР" И СПОСОБЫ ЕГО ИСПОЛНЕНИЯ. *Экономика и социум*, (6-2 (97)), 919-923.
14. Kho'jageldiyeva, M. Factors for Increasing Students' Musical Competence in Music Culture Classes. *European Journal of Innovation in Nonformal Education*, 2(4).
15. Pardayevna, H. N. (2022). MUSIC LESSONS THROUGH SCHOOL AND EXTRACURRICULAR ACTIVITIES ARE WAYS TO INCREASE STUDENTS' COPING SKILLS. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMUY JURNALI*, 2(3), 127-130.

16. Akramovna, S. S. (2021). Dutar National Instruments and Performance Methods. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 1(6), 329-331.
17. Inomjonovna, R. I. (2022). INTERACTIVE GAMES IN THE PROCESS OF TEACHING ENGLISH IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS.
18. Inomjonovna, R. I. (2022). CHARACTERISTICS OF UZBEK FOLK APPLIED ARTS AND THEIR PLACE IN SOCIETY. *World scientific research journal*, 2(1), 29-32.
19. Inomjonovna, R. I. (2022). FINE ACTIVITIES ARE THE MAIN TOOL OF AESTHETIC EDUCATION OF CHILDREN AND THE RELATIONSHIP WITH OTHER ACTIVITIES. *World scientific research journal*, 2(1), 25-28.
20. Inomjonovna, R. I. (2022). METHODS OF FORMATION OF IMAGINATION, THINKING AND CREATIVE THINKING IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. *World scientific research journal*, 2(1), 58-62.
21. Inomjonovna, R. I. (2022). FINE ACTIVITIES IN PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATION AS A DEPARTMENT OF INTEGRATIVE CONTENT. *World scientific research journal*, 2(1), 63-66.
22. Рахматова, И. И. (2022). ПРОБЛЕМА СТРЕССА В ФОРМИРОВАНИИ ЛИЧНОСТИ РЕБЕНКА. *THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY*, 1(4), 108-111.
23. Рахматова, И. И. (2022). ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЛИЧНОСТИ ПЕДАГОГА В СФЕРЕ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ. *THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY*, 1(4), 104-107.
24. Inomjonovna, R. I., & Erkinovna, E. N. (2023). SOCIAL PEDAGOGICAL FACTORS FOR PREVENTING AGGRESSIVE SITUATIONS CHILDREN IN PRESCHOOL EDUCATION. *Journal of new century innovations*, 12(2), 29-34.
25. Inomjonovna, R. I. (2022). CHARACTERISTICS OF UZBEK FOLK APPLIED ARTS AND THEIR PLACE IN SOCIETY. *World scientific research journal*, 2(1), 29-32.
26. Inomjonovna, R. I. (2022). THE IMPORTANCE OF AESTHETIC EDUCATION IN PRESCHOOL CHILDREN. *Journal of new century innovations*, 11(2), 104-108.
27. Рахматова, И. И. (2023). АРТ-ТЕРАПИЯ КАК ЭФФЕКТИВНОЕ ЛЕЧЕНИЕ ДЕТЕЙ С ТРАВМАМИ (ВО ВРЕМЯ ВОЙНЫ, НАСИЛИЯ, СТИХИЙНЫХ БЕДСТВИЙ). *THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY*, 1(6), 192-198.

28. Рахматова, И. И. (2023). УЧЕНИЯ О ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА И ПРИРОДЕ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ НАСЛЕДИЯ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ. *THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY*, 1(6), 207-215.
29. Rustamova, I. K., Abdullayev, R. A., & Xolmirzayeva, M. F. (2020). Study of depression and anxiety prevalence in patients undergoing acute myocardial infarction. *Вестник Казахского национального медицинского университета*, (2-1), 628-629.
30. Amanbayevich, K. E. (2022). PHYSICAL AND MENTAL PRINCIPLES OF PREPARING TRADITIONAL SINGERS FOR LARGE ASHULLA PERFORMANCE PROCESSES. *Scientific Impulse*, 1(4), 288-291.
31. Arzikulovich, N. E. (2022). METHODOLOGY OF DEVELOPMENT OF EXECUTIVE SKILLS IN THE NAY INSTRUMENT. *Scientific Impulse*, 1(4), 292-296.
32. Bakhritdinova, F., & Kangilbaeva, G. (2022, June). Features of the angiography of the eye bottom in patients with diabetic retinopathy. 24th European Congress of Endocrinology 2022.
33. Amanovich, K. E. (2022). TRADITIONAL SINGING AND TRADITIONAL MUSIC SKILLS. *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences*, 2(2), 206-210.
34. Inomjonovna, R. I. (2023). DEVELOPMENT OF cREATIVE COMPETENCE OF EDUCATORS IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. *Journal of new century innovations*, 22(1), 125-129.
35. Inomjonovna, R. I., & Xolmirzayevna, X. N. (2023). TYPES, METHODS AND METHODS OF TEACHING VISUAL ACTIVITY KNOWLEDGE AND APPLICATION. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 14(3), 92-97.
36. Inomjonovna, R. I. (2023). FACTORS FOR THE DEVELOPMENT OF IMAGING SKILLS OF PRESCHOOL CHILDREN. *THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY*, 1(5), 74-79.
37. Xo'jageldiyeva, M. (2021). Music as a Scinece and its peculiarities. *International Journal of Innovative Analyzes and Emerging Technology*.
38. Xo'jageldiyeva, M. (2021). Dutar national instruments and performance methods. *Analytical Journal of Education and Development*, 1(06).